

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 12/2

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/2 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич - юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Axmedov Oybek Saparbaevich</i> ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ ҲОДИСАНИНГ ЎРНИ.....	10-18
<i>Нематова Мафтуна</i> ЛАКУНА И ТИПОЛОГИЯ ЛАКУН	19-24
<i>Hamroyeva Shahlo Mirdjonovna, Matyakubova Noila Shakirjonovna</i> MOSLASHTIRISH JARAYONIDA O'ZBEK VA INGLIZ TILIDAGI SODDA GAPLARNING SINTAKTIK TAHLILI.....	25-32
<i>Jo'rayeva Nilufar Sobirjon qizi</i> "SMILE" VA "TABASSUM" TUSHUNCHALARINING LINGVISTIK IFODASI (INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI MISOLIDA)	33-38
<i>Sidiknazarova Zulfiya Mirsharapovna</i> BADIY TARJIMA TAHLILINING NAZARIY ASOSLARI	39-43
<i>Jumanova Shahnoza Ikromjonovna</i> IJTIMOIY – PSIXOLOGIK MOTIVNI ANGLATISHDA PEYZAJNING O'RNI	44-50
<i>Achilov Oybek Rustamovich</i> ILGAR SURISH VOSITALARINING BADIY ASAR SARLAVHASIDA TASNIFLANISHI VA O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	51-57
<i>Axmedova Madinabonu Maxmudjonovna</i> XALQ NASRI JANRLARINING O'ZARO MUNOSABATLARI	58-62
<i>Isroilova Manzura Jamolovna</i> FRANSUZ KOMPARATIV FRAZELOGIZMLARINING USLUBIY XUSUSIYATLARI	63-68
<i>Кенжабоев Шокир Абдулхалимович</i> ОСОБОЕ МЕСТО В ИЗУЧЕНИИ И РАЗВИТИИ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА В ШКОЛАХ УЗБЕКИСТАНА	69-74
<i>Fayziyev Bahodir Baxshullayevich</i> J. K. ROULINGNING "GARRI POTTER VA AFSONAVIY TOSH" ASARIDAGI TO'QIMA NOMLAR VA REALIYALAR HAMDA ULARNING RUS VA O'ZBEK TILLARIGA TARJIMASI	75-79
<i>Mamatqulova Shoxsanam Isroil qizi</i> OLAMNING O'ZBEK LISONIY TASVIRIDA "FIDOIYLIK" KATEGORIYASI	80-84
<i>Тухтаева Фарида Исматуллаевна</i> ИССЛЕДОВАНИЕ СТЕРЕОТИПОВ РОМАНАХ ПЕРЛ БАК	85-90
<i>Radjabova Dildora Raximovna</i> PIRIMQUL QODIROVNING "YULDUZLI TUNLAR" ASARI INGLIZCHA TARJIMASIDA BOBUR PSIXOLOGIYASI	91-96
<i>Mansurova Shohista Ismailovna</i> BADIY TARJIMANING MAQSADI, VAZIFALARI VA TARJIMA METODLARI	97-102
<i>Ermatov Ixtiyor</i> SIRDARYO VILOYATI TOPONIMLARI.....	103-108

<i>Axmedjanova Farida Djavairovna</i> GRAMMAR INSTRUCTION IN COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING	109-114
<i>Saitov Suxrob Djumaydillayevich</i> ARTISTIC INTERPRETATION AND RESOLUTION OF HUMAN TRAGEDIES IN THE STORY	115-119
<i>Тўрабоева Ҳакима Усмонжон қизи</i> ФИРДАВСИЙ ДАҲОСИГА МЕҲР	120-124
<i>Toshpo'latova Xusniya Matayusub qizi, Normamatov Farrux Komiljon o'g'li</i> INGLIZ REKLAMA SHIORLARI TARJIMASI JARAYONIDA SHAKL VA MA'NO MUVOFIQLIGI	125-129
<i>Абдуманнонов Хожиақбар Акмалжон угли</i> ОСВЕЩЕНИЕ ФРАЗЕОЛОГИИ В СВЕТЕ НАУЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЫ (краткий обзор на примере учебных пособий и словарей узбекского языка).....	130-136
<i>Абдуллаева Раъно Хикматовна</i> РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТА «ДРУГ/ДРУЖБА» В РУССКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ПОСЛОВИЧНОЙ ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА	137-144
<i>Hamidova Sayyora Nurmatovna</i> TILSHUNOSLIKNI MENTALINGVISTIK BOSQICHIDA KOGNITIV TADQIQOTLAR.....	145-151
<i>Rustamova Dilrabohon</i> ATAMALAR LUG'ATINING UMUMIY VA FARQLI TOMONLARI	152-157
<i>Khazratqulova Ozoda Abduganiyevna</i> EXPRESSION OF THE CONCEPT OF FORGIVENESS IN LEXICOGRAPHIC SOURCES AND ARTISTIC LITERATURE	158-162
<i>Farmonov Nurbek Pulatovich</i> WEB OF SCIENCE MA'LUMOTLAR TIZIMIDAN FOYDALANISH	163-169
<i>Xojjiyeva Oynisa Shabonovna</i> ALISHER NAVOIY ASARLARIDA TURKIY XALQLAR MAQOLLARINING AKS ETISHI	170-176
<i>Norqobilov Sanjar Rahmat ugli</i> COMPARING COMPUTATIONAL LINGUISTICS APPROACHES ACROSS LANGUAGES	177-182
<i>Mamarasulova Iroda Jumanovna, Xojimetov Sa'dulla Jumanazarovich</i> ANGLIYA UYG'ONISH DAVRI ADABIYOTI	183-190
<i>Ho'jamqulov Anvar Jozilovich</i> OMON MUXTOR ROMANLARIDA POETIK USLUB QIRRALARI.....	191-196
12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР	
<i>Кутыбаева Елизавета Дуйсенбаевна, Аманязова Света Байниязовна</i> ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ И ФУНКЦИОНИРОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОРГАНОВ ИСПОЛНИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	197-203
<i>Мирзаабдуллаева Матлуба Рустамовна</i> СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ВА СУВ ИСТЕЪМОЛЧИСИ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	204-209
<i>Toshkanov Nurbek Bahriddinovich</i> BILIMLAR IQTISODIYOTI VA INTELLEKTUAL MULK: TIJORATLASHTIRISHNING BA'ZI HUQUQIY JIHATLARI VA MUAMMOLARI	210-216

Nishonov Abdulloh Ubaydulloh o'g'li
ATOM ENERGIYASINI JOYLASHTIRISHNING XALQARO EKOLOGIK TALABLARI217-223

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Javliyeva Shaxnoza Baxodirovna
OLIY TA'LIM MUASSALARIDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI224-228

Sadullayeva Shahlo Azimbayevna, Parmankulov Farxodjon Nurali o'g'li
TYUTORLAR ISH JARAYONIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI
TATBIQ ETISH METODIKASI229-233

Pirimova Nargiza Adilovna
SPORT-TAYYORGARLIK MASHG'ULOTLARIDA BALANDLIKKA SAKROVCHI QIZLARNING
O'QUV-MASHG'ULOT JARAYONLARINI TAKOMILLASHTIRISH234-239

Tangirqulov Elmurod Aliyarovich
BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA ATROF-MUHITNI ASRASH ORQALI EKOLOGIK
TARBIYA BERISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISHNING O'ZIGA XOS
XUSUSIYATLARI VA "YASHIL MAKON" MODULLARI240-244

Xayrov Rasim Zolimxon o'g'li
BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINING KASBIY-METODIK TAYYORGARLIGINI
TAKOMILLASHTIRISHDA TA'LIM TEXNOLOGIYALARINING QO'LLANILISHI245-258

Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi
ZAMONAVIY TA'LIM MUHITIDA INGLIZ TILI DARSLARIDA STEAM TA'LIM
TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI: STEAM KOMPETENSIYALAR
TUSHUNCHASI259-265

Valieva Xolida
AJDODLAR MEROSI - INSONIYAT BOYLIGI266-271

Djumayeva Dildora Isroilovna
BOSHLANG'ICH SINIF O'QUVCHILARIDA EKOLOGIK MADANIYATNI SHAKLLANTRISHNING
PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI272-277

Davlatova Nilufar Vosiljonovna
TA'LIM-ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASINI KUCHAYTIRISHDA ZAMONAVIY TA'LIMNING
O'RNI VA MOLIALASHTIRISH MEXANIZMLARI278-285

Mamaraimova Zebo Shafokatovna
YUQORI SINIF O'QUVCHILARINI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK
TAMOYILLARI286-290

Turayev Yolqin Sherzod o'g'li
KATTA MAKTABGACHA TA'LIM YOSHDAGI BOLALARDA DALILY ASOSLASH KO'NIKMASINI
SHAKLLANTIRISH YO'LLARI291-295

Abdurasulova Shoira Kushakovna
BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLILIGINI
INTEGRATIV YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH296-305

Sottarov Abduvali Umirqulovich
UMUMIY FIZIKA KURSINI O'QITISHDA NANOTEXNOLOGIYA FAN VA TEXNIKA SOHASI
SIFATIDA306-310

<i>Xushnazarova Ma'mura Nodirovna</i> VOLONTYORLIK FAOLIYATINIG IJTIMOIIY-PEDAGOGIK MUAMMOLARI	311-315
<i>Xushvaqtov Umar Norqobilovich</i> AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB O'QUVCHILARDA IMPERATIV TAFAKKURNI RIVOJLANTIRISHDA KOMPETENSIYANING RO'LI	316-320
<i>Alimqulova Ra'noxon Gulmirzayevna</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA NUTQ MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHGA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR	321-326
<i>No'monxonova Muattarxon Nosirxon qizi</i> BO'LAJAK TILSHUNOSLARDA KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARKOMMUNIKATIV KOMPETENSIYALARINING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI	327-331
<i>Xalikov Faroxidin</i> TA'LIM TIZIMIDA TESTOLOGİYADAN FOYDALANISHNING NAZARIY ASOSLARINI TAKOMILLASHTIRISH SAMARADORLIGI	332-339
<i>Abduvaxidov Xusan Abdukulovich</i> OLIY TA'LIM TALABALARIDA INNOVATSION YONDASHUV ORQALI KOMPETENSIYALARINI SHAKLLANTIRISH	340-345
<i>Якубова Нафиса Одилжановна</i> ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУССАСАЛАРИДА ЧИЗМАЧИЛИК ДАРСЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИЖОДИЙ-КРЕАТИВ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	346-354
<i>Karimov Qayum Mamashayevich</i> TALABALARNI KOMPYUTERLI MATEMATIKA TIZIMLARINING GRAFIK IMKONIYATIDAN FOYDALANISH BO'YICHA BILIMINI OSHIRISH	355-360
<i>Yusupova Shoxista Alimjanovna</i> TO'GARAK MASHG'ULOTLARI ORQALI TASVIRIY SAN'AT FANIGA ASOSLANGAN XOLDA O'QUVCHILAR IJODIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI	361-371
<i>Kasimov Oйбек Омилевич</i> СПОРТДА АХЛОҚИЙ ҚОЙДАЛАР ВА "FAIR PLAY" НОРМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ...	372-378
<i>Abduraxmonov Akbar Abduxamidovich</i> MILLIYLIK VA UMUMINSONIYLIK TAMOYILLARI UYG'UNLASHUVINING NAZARIY-METODOLOGIK JIHATLARI	379-386
<i>Фазлиддинов Шухрат Фахриддинович</i> ПРИМЕНЕНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ЗАНЯТИЯХ ПРИ ИЗУЧЕНИИ КАТЕГОРИИ РОДА ГЛАГОЛА В ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ВУЗАХ.....	387-394
<i>Jurayev Bobomurod Ramazonali o'g'li</i> TALABALARNING JISMONIY FAOLLIGINI OSHIRISH VA RIVOJLANTIRISH JARAYONINING SAMARADORLIK DARAJASI	395-400
<i>Eshbekova Gulabahor Zafarboyevna</i> МАКТАВГАЧА YOSHDAGI BOLALARNING YOZISH KO'NIKMALARINI SHAKLLANTIRISH MUAMMOLARI	401-406

<i>Khidirova Malakhat Qazakhovna</i> ORGANIZATION AND EVALUATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS BASED ON EUTAGOGICAL APPROACHES	407-413
<i>Fayzullayeva Madina Abdumo'min qizi, Xolbo'tayeva Moxinur Temurboy qizi</i> MENEJMENT SOHASINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH	414-420
<i>Achilov Nuriddin Abdugafforovich</i> AL-HAKIM AT-TERMIZIY TA'LIMOTINING ILMIY TADQIQI	421-426
<i>Norinov Muxammadyunus Usibjonovich</i> JAMIYAT TARAQQIYOTIDA BO'LAJAK MUHANDISLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHNING AHAMIYATI	427-432
<i>Begimqulov Zarif Axmadovich</i> JISMONIY TARBIYA YO'RIQCHISINING IJTIMOYIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHDA MALAKA OSHIRISH JARAYONINING AHAMIYATI	433-438
<i>Izbosarova Zuxro Anatoliy qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV KO'NIKALARINI RIVOJLANTIRISH SAMARADORLIGI	439-443
<i>Jumayev Sirojiddin Zafarovich</i> MOLEKULAR BIOLOGIYADAN OQSILLARNING AMINOKISLOTA TARKIBI VA AMINOKISLOTALARNING TASNIFI MAVZUSINI O'QITISHDA MASALA VA MASHQLARDAN FOYDALANISH	444-449
<i>Pulatova Muxabbat Egamberdiyevna</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA INNOVATSION KOMPETENSIYANI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	450-457
<i>Yuldashev Mengali Ziyaduloyevich</i> BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARIDA MUSTAQIL ISHLASH KOMPITENSIYALARINI RIVOJLANTIRISH	458-463

10.00.00- Филологияфанлари

Тўрабоева Ҳакима Усмонжон қизи,
Наманган Давлат Университети
“Аниқ ва табиий йўналишлар бўйича
чет тили” кафедраси ўқитувчиси

ФИРДАВСИЙ ДАҲОСИГА МЕҲР

Аннотация. Ушбу мақолада шарқ адабиётининг буюк мутафаккир олими Абулқосим Фирдавсийнинг адабий меъроси – “Шоҳнома” асарининг ғарб адабиётига, хусусан инглиз адабиётига кириб бориши ҳақида сўз боради. Асарни ўрганишга доир фикр-мулоҳазаларнинг моҳияти, аҳамияти ва таржималарига доир илмий-амалий ҳамда назарий қарашлари таҳлил этилади.

Калит сўзлар: Ҳаким, улус, ғоявийлик, эстетик таъсир, “Рустам ва Сухроб”, муаллиф позицияси, миллий эпос, қисса, тўқима образ.

Toraboeva Hakima Usmonjan qizi,
Namangan State University
Teacher of the department "Foreign
language in specific and
natural directions".

LOVE FOR THE GENIUS OF FIRDAUSI

Annotation. This article talks about the literary heritage of the great thinker of eastern literature, Abulqasim Firdausi - "Shahnoma" entering western literature, especially English literature. Scientific-practical and theoretical views on the essence, importance and translations of opinions on the study of the work are analyzed.

Key words: Hakim, ulus, ideology, aesthetic effect, "Rustam and Sukhrob", author's position, national epic, story, image.

Турабоева Ҳакима Усманжановна
Наманганский государственный
университет Преподаватель кафедры
«Иностранный язык по специально-
естественным направлениям».

ЛЮБОВЬ К ГЕНИЮ ФИРДАУСИ

Аннотация. В данной статье говорится о проникновении литературного наследия великого мыслителя восточной литературы Абулкасима Фирдоуси – «Шахнаме» в западную литературу, особенно английскую. Анализируются научно-практические и теоретические взгляды на сущность, значение и переводы мнений по изучению произведения.

Ключевые слова: Правитель, улус, идеология, эстетический эффект, «Рустам и Сухроб», авторская позиция, национальный эпос, новелла, образ.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V3I12.2Y2023N19>

Кириш. Жаҳон адабиётига назар ташлар эканмиз, қадим замонлардан то ҳозирга қадар минглаб даҳолар, шоир-у ёзувчилар ўтган. Ана шулардан бири дунё адабиётида ўчмас из қолдира олган, чинакам барҳаёт адабий қаср қура олган даҳо- Фирдавсийдир. Улуғ шоир нафақат Эрон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон балки бутун Европа хусусан Англияда ҳам адабиётнинг йирик намоёндаси сифатида меҳр қозона олган. Бутун ҳаётини халқ дарди билан ҳамнафасликда, инсонлар учун қайғуриб ўтказган ва энг аввало халқ орасида шухрат қозонган. Фахрий лақаби “Ҳаким” (илми, пухта билимга эга), шоирлик тахаллуси “Фирдавсий” форсий (тожик), паҳлавий ва араб (тозий) тилларини мукаммал ўрганган.

Буюк адибнинг Шарқ ва жаҳон адабиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш 300 йилдан ортиқ тарихга эга. Биз бу мақолада Фирдавсийнинг Англияда ўрганилиши ва инлиз халқи орасида шухрат қозонганлиги тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Шарқнинг кўплаб улуғ сиймолари асарлари аллақачон инлиз тилига таржима қилинган, кенг ўрганилган. Жумладан, ўзбек адабий тилининг асосчиси А.Навоий, шох ва шоир З.М. Бобур, А. Жомий, Фузулий каби буюк шоирларимиз асарлари вафотларидан бироз ўтгандан кейин Ғарб тилларига таржима қилинган ва ижодлари тадқиқ қилинган.

Адабиётлар таҳлили ва методологияси. Сўз санъатининг гултожи бўлмиш “Шоҳнома” ўша даврлардаёқ ровийлар (достонларни ёд олиб халқ орасида куйловчилар) ёрдамида халқ орасига кириб бориб тиллардан-дилларга кўчиб, улус меҳрини қозонди ва одамлар достонларни ёд олишга интилар эдилар. [1,288-289б.6]

Бизга маълумки, Фирдавсий шахси жуда ҳам мураккаб ва ибратлидир. Унинг ижоди серқирра ва ранг-баранг, турли воқеаларга бойлиги билан ҳам нозиктаъб инглизларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Уни Англияда изчил ва илмий ўрганиш XVIII-асрдан бошланган. Фирдавсийшуносликка катта ҳисса қўшганлар Уилям Жонс, Д. Эрбело, Я. Чемпион, Жеймс Аткинсон, Эдуард Браун, Жюл Мохол, Сэр Денисон Росс, Сэр Чарлз Уилкинсон номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Англия халқи илк бор Фирдаввий ижодини инглиз шарқшуноси ва таржимони Уилям Жонс(1746-1794 йилларда яшаб ўтган) шарофати ва меҳнати орқали танидилар. У “Шоҳнома” ни алоҳида қисмларини кичик ҳикоялар ва қисқа ватанпарварлик, эл-юрт ҳимоясига доир қиссаларга ажратиб таржима қилиб, чоп эттирди. Шунингдек айрим манбалар гувоҳлик берадики, “Фирдавсий номи авваламбор инглиз сайёҳи Жонн Фрейер (1698) нинг сафари, яъни форс элини ўрганиш ҳисоботида келтирилган, “Шоҳнома” ни форс рицарларининг қахрамонлик деб ҳисоблаган[2,84]”. Мутахассисларнинг маълумотидан шу хулоса келадики, инглизлар У. Жонс тадқиқотида қадар Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида аниқ ва мукаммал маълумотга эга бўлмаган. Аммо, биз Фирдавсий номи Англияда XVIII асргача маълум бўлмаган деган фикрдан йироқмиз. Олим ўзининг “Шарқ халқлари назмларидан қисса” китобида (1772й, Лондон) “Рустам ва Сухроб” достони қисмларидан парчаларни чоп эттирди. Кўп ўтмай “Султон Маҳмуд ҳақида хажвия” китобида “Шоҳнома” дан баъзи бир парчаларни инглиз китобхонларига тухфа этади. Фирдавсий ҳаёти ва ижодини ёритиш орқали таржимон ва муҳаррир нафақат ўз юртида балки инглиз тилида сўзлашувчи халқлар орасида ҳам катта обрў-эътибор қозонди. Бу вақтда инглиз китобхон оммасини форсий қиссалар, ҳикоя ва шеърларга қизиқиши баланд эди. Бу қизиқишларни ҳис этган Жонс ўз мутахассислиги ҳуқуқшунослик илмини ўрганишдан юз ўгириб, бебаҳо Шарқ хазинаси томон юз тутуди. Унинг тилга, айнан форс

адабиётига бўлган муҳаббати кундан кунга ошиб борарди. Сер Уильям Жонс шарқ адабиётининг гўзаллиги ва мафтункорлиги ҳамда форс шеъриятининг табиати тўғрисида шундай гапиради: «Шарқ шеърияти энг бой ва ибратли ифода тилидир; у ҳаётни акс эттирувчи сув ва олов каби ранг барангдир».[2]

Айнан мана шу изланиши туфайли У.Жонс форс ва хинд-европа тиллари оиласи ўртасидаги ўхшашликни сезди ва кейинчалик ҳам унга "Шохнома"ни ўрганиш орқали эришилди. У.Жонс "Шохнома" ни бир қатор шеърий ҳикоялар китоби (бир жилд) сифатида таништирди. Дастлаб 1772-йилда лотин ва кейинчалик, 1775-йилда инглиз тилларида нашр этилган.Уильям Жонс "Шохнома" ни инглиз тилига таржима қилар экан, "Шохнома" нинг равонлиги ва унинг қаҳрамонлари ва тавсифларидан таъсирланиб: Лотин черковининг кўрсатмасига биноан, У.Жонс Шарқ шеъриятининг даҳоси шарафига Фирдавсийни "Авлиё Фирдавсийурум" деб атаган. Айнан шу ўрганиш орқали профессор Уильям Жонс тилшуносликка оид китоблари ва форс адабиётига оид илмий изланишлари орқали ўз даври ҳамда келажак олимлари ва таржимонларига асос яратди.

Сэр У.Жонс асарларида Фирдавсийни форснинг Гомери деб номлаган. Шарқ шеъриятига оид кўплаб асарларида "Рустам ва Сухроб" достонидан таъсираниб ўз шеърларида воқеъаликлардан фойдаланган ва юнон фожеъаси наъмуналарига таққослаган. Фирдавсийнинг Шохномаси Эроннинг миллий эпосидан жaxon адабиётининг вакиллик асарига ўтиш чегарасини кесибўтди. 1772-йил Сэр Уильям Жонс "Шарқ халқлари шеърияти" асарида Гомер билан Фирдавсийни бир мақомда тасвирлайди. Иккала шоирда ҳам образлар табиий, адабий шоирнавислик услубида ва хар иккаласида ҳам мохирона сўз санъати борлиги таъкидланган.

Муҳокама. Бир неча йил ўтгач, 1814-йилда яна бир инглиз олими Жеймс Аткинсон "Рустам ва Сухроб" достонини қайта ўрганиб, Фирдавсий ихлосмандлари орасида ўзини танитди [3]. Шохноманинг ушбу қисмини қайта талқин этиш билан кифояланмаган Аткинсон 1829-йилда афсонавий Ҳиндистон ўлкасига саёҳат қилди ва "Шохнома"ни ҳам шеърий,ҳам насрий шаклда ўқувчиларга тақдим этди. "Шохнома" нинг қайтиши билан бирга Аткинсон инглиз ўқувчиларига буюк Эрон қиссаси муаллифининг ҳаёти тўғрисида батафсил маълумот берди. Аткинсон "Шохнома" ни Форс подшоҳларининг қаҳрамонлик ҳикояси деб атаган ва инглиз ўқувчиларига Фирдавсийнинг даври, таржимаи ҳоли ва адабий мероси тўғрисида қизиқарли маълумотлар берган. Биографияни шарҳлаш ва "Шохнома" ҳақида маълумот бериш пайтида Аткинсон энди улар "Шарқ Илиадаси" билан танишиб чиқишлари ҳақида айтиб ўтган. "Шохнома" - Эроннинг ўтмишдаги подшоҳларининг ҳикоялари ва афсоналари тўплами. Каюмарсдан 3600 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган араблар истилоси даврига қадар давом этган тарихий воқеъаликларни ўз ичига олади. "Шохнома" аслида Шарқнинг энг яхши ва ноёб адабий ютуқларидан биридир.

Кўплаб олимлар Фирдавсийнинг соф ва ранг-баранг тили ҳақида мулоҳаза юритиб, Шохномада мумтоз адабиёт ва қадимий ёдгорликлар (хусусан "Авесто" қаҳрамонлари) тилидан кенг тарқалган сўзлар борлигини, унинг ифода услуби, безаклари тожик форс тилининг янада ривожланишига ҳисса қўшганлигини таъкидладилар. [4,5]. Аткинсон назарида "бу форс адабиётдаги энг бебаҳо ва такрорланмас асари бўлиши мумкин" деган хулосага келади.[6] Ва бу ўринда Аткинсон

янглишмади, ўтмиш ва тарих силсиласида “Шохнома” энг буюк асар бўлиб қолди. Шунинг учун уни барча улуғворлиги содда ва равонлиги билан бир қаторда, мукаммалигги билан ҳам қалбан тушуниш ва ҳис қилиш мумкин. “Шохнома” муаллифи одатда Шарқнинг Гомери деб номланади, аммо бу форс-юнон ҳикояси шунчаки маънавий мувозанат ва таққослаш даражасида тақдим этилиши керак дегани эмас; ушбу асарларнинг ҳар бири ўз мамлакатларида, айниқса, жаҳон цивилизациясида энг яхши асарлардан бири деб ҳисобланади. “Шохнома” даги гўзал тасвирлар “Илиада” да ҳам, “Одиссея” да ҳам учрамайди. Асарнинг таркибидаги қўл жанги орасида марказий қаҳрамон Рустам; У юраксиз Фаридуннинг ўғли Эражнинг набираси Манучеҳр ва отаси Зобулнинг Сами Нариман ўғли Зол даврида туғилган. Рустам аслида форс адабиётининг Геркулесидир. Иккала қаҳрамон ҳам - Рустам ва Геракл - ўзларининг адабиётларида мард, жасур, қўрқмас ва кучли шахс сифатида тасвирланган. Ва уларнинг ўхшаш хусусиятлари жуда кўп. Агар бу икки қаҳрамоннинг биргаликдаги эксплуатацияси (қобилият) хусусиятларини таҳлил қилсак, Рустамнинг эксплуатациялари етти, Гераклнинг эксплуатациялари эса ўн иккитадир. Шохномада бу амаллар “Хон” деб номланган; Рустамнинг етти хони, Исфандиёрнинг етти хони ва шунга ўхшашлар. Аткинсон Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижодини қуйидагича тавсифлайди [6,5]: “У Хуросон вилоятининг Туси шаҳрида туғилган. Фирдавси-Ҳасан ибн Ишоқ ибн Шарафшоҳ (бу ном қанчалик даражада Фирдавсийга мос келади), 934 йилда Тус шаҳри яқинидаги Божи қишлоғида (Машҳад шаҳридан 25 км узоқликда)” дунёга келди.

Натижалар. Фирдавсий деҳқонлар оиласида туғилганлиги маълум, бу эса Фирдавсийнинг болалигидан ўқишга қизиқишини билдиради. Ўша пайтдаги деҳқонлар, анъанага кўра ўз замонларида дунёвий фанлардан ҳам баҳраманд бўлишган. Фирдавсийнинг отаси ҳам маълум миқдордаги ерга эга бўлиб, у тирикчилик учун етарли бўлган ва унинг даромадлари ҳисобига ўғлини ўқитишга муваффақ бўлган. Фирдавсий она тили ва араб тилларини яхши биларди. Бундан ташқари, Фирдавсий зардуштийларнинг адабий тилини яхши билган ва паҳлавий тилини мукамал даражада ўзлаштирган. Фирдавсий ёшлигидан қадимий ҳикоялар ва афсоналарни тинглашга қизиқанни айтиб ўтилади. Шу ўринда “Шохнома” нинг инглиз адабиётида шухрат қозонишида Сэр Уилям Жонс ва Жеймс Аткинсонларнинг меҳнатлари беқиёс. Бу даврда улар ўз ўқувчиларига Фирдавсийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли вақимматли маълумотларни бера олишди. Тарихий воқеаларга таққосланса арабларнинг Осиёни забт этиши Англияни Нормандлар томонидан забт этилишига. Эронликларга қарши Наҳованд жанги, инглизларга қарши Хастинг жанги билан бир хил таркибга эга.

Йигирманчи аср бошида Абулқосим Фирдавсийнинг ҳаёти ва фаолиятини яна бир инглиз олими Эдуард Браун кенг ўрганади. Э.Браун Кембриж олийгоҳида тиб илмини ўрганган, 1887 -йили докторлик даражасини олган. Лекин умуман таъбат илми билан шуғулланмаган [7]. Шу йили у Эронга сафар қилади ва қадимий шаҳарлар Язд, Кирмон ва Техронда яшайди. Бу давр ичида шарқ халқларининг ҳаёти, турмуш тарзи, маданияти, адабиёти ва шеъриятини ўрганади. Сафар давомида Шарқнинг завқли тарихи ва шонли ўтмиши унинг қалбини мафтун этади. Эдуард умрини Шарқни ўрганишга сарфлашни мақсад қилади. Ўттиз йиллик меҳнат-у изланишлар, тадқиқотлар натижасида “Эрон адабиёти тарихи” вужудга келди. У тўртта катта жилддан иборат бўлиб, қуйидаги

тартибда битилган эди: биринчи жилд “Қадим замонлардан то Фирдавсийгача”(1902-йил), иккинчи жилд “Фирдавсийдан Саъдийгача” (1906-йил) дунё юзини кўрди; учинчи жилд “Татар ва мўғулларни асри” (1920-йил), тўртинчи жилд “Жадид даври” номи билан чоп этилди. Ушбу китобларнинг ўрни ва ахамияти мухтасар бўлиб нафақат Европада балки Шарқ аабиёти учун нодир манбаадир. Эдуард Браун, Ж. Аткинсоннинг таржима қилган ривоятларини пухта таҳлил қилиб унга янги шакл ва ранг бериб, ўзининг қалб булоғи суви билан бойитади ва янада мукамалроқ қилади. Эдуард Брауннинг тадқиқини яна бир фарқли жихати, у шоир шахсини яқиндан аниқлаш, туғилган ва вафот этган саналарини аниқ белгилаш учун тарихий маълумот ва тазкираларни қиёсий тарзда ўрганишидадир.

Олиб борилган тадқиқотлар Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари жаҳон адабиёти ва маданияти хазинасига қўшилган энг бебаҳо жавоҳирлардан бири эканлигини яна бир бор исботлади. Эпоснинг бетакрор намунаси бўлган мазкур асар нафақат Шарқ балки, Ғарб мамлакатларида ҳам китобсеварларнинг севимли асари, маънавий мулкига айланиб улгурган. “Шоҳнома” дунёнинг кўплаб халқлари тилларига таржима қилинди. Унинг таркибидаги дostonлар асосида мусиқа, драма, кино, тасвирий санъат дурдоналари юзага келди. Дostonларни деярли барчамиллатларда топиш мумкин; аммо, “Шоҳнома” нинг донғи бутун дунёга маълум ва машхур. Дарҳақиқат устоз, фирдавсийшунос олим Ҳамиджон Хомидов таъбирлари билан айтганда: “дунё адабиётининг буюк сиймоси Абулқосим Фирдавсийнинг юксак шеърий қасри, жаҳон эпосининг гултожиси бўлмиш “Шоҳнома” минг йилдан бери авлоддан-авлодга ўтиб барҳаёт яшаб келмоқда...”.[5]

Хулоса. Фирдавсий Форс цивилизациясининг буюк маданиятини сақлаб қолган ва бошқаларга маълум қилган. У инсон табиатидаги жасорат, муҳаббат ва донолик каби ижобий фазилатлардан хикоя қилади. Бугунги кунда Шарқ мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналаридан бўлган “Шоҳнома”нинг бардавом анъаналарини, умумбашарий ғояларининг аҳамиятини атрофлича таҳлил қилиш, бадий жихатларини кенг қамровли тадқиқ этиш инглиз шоҳномашунослиги генезисини ҳам илмий-назарий жихатдан текширишимизда қўл келади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Гейзер А. Европада Фирдавсий ҳақидаги биринчи биографик маълумотлар.// Душанбе, 1994 й. 19-бет .
2. Garland Cannon. Oriental Jones. A biography of Sir William Jones. New York, 1746-1794.
3. Atkinson James, “Sohrab, a poem, freely translated from the original Persian of Ferdoosee”. Calcutta, P.Pereira, 1814, 267 pp.
4. Сулаймон Анварӣ. Вожаҳои низомӣ дар “Шоҳнома”-Душанбе, Маориф, 1994. Сулаймон Анварӣ. “Шоҳнома” даги ҳарбий сўзлар -Душанбе, Маориф, 1994.
5. Ҳ.Ҳомидов. “Шоҳнома” нинг шухрати, Тошкент- “Ўзбекистон”-1991-йил 26-бет.
6. Atkinson James, “The Shah-Nameh of the Persian poet Ferdoosee”. (Translated and abridged in prose from Tavakkul Beg’s abridgement with notes and illustrations. Oriental Translation Fund of Great Britain and Ireland). London, 1832, 608 pp.
7. Фатхуллоҳи Мучтабой. Пешгуфтор. И “ТаърихиадабиётдарЭрон”, Техрон, 1963.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/2 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).